

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ
ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда.

Ўтган даврда фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди.

Шу билан бирга, қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узок муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмаяпти;

иккинчидан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳволи инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламаяпти;

учинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогноз қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг таркоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермаяпти, бу эса ўтказилаётган изланишларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда;

тўртинчидан, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишдаги камчиликлар технологик қолақликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига олиб келмоқда;

бешинчидан, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

олтинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмаяпти;

еттинчидан, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бутун мамлакат фани, саноати ва иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқарувининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича [Ҳаракатлар стратегиясида](#) белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва содаллаштиришни, давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш; худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ушбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучуклаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шаклларини кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашувчи қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташкилотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади);

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

а) давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқишни, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, инфратузилма объектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тармоқларда кенг жорий этишга кўмаклашиш;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

б) иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

мамлакатимиздаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни тарғиб қилиш ва улардан амалий фойдаланишнинг механизмларини шакллантириш, бозорнинг тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда унумдорликни оширишни назарда тутадиган «яшил иқтисодиёт» технологияларининг принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш;

республика инновацион салоҳиятининг, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистик хаблар фаолияти самарадорлигининг ўсишига фаол кўмаклашиш;

макроиқтисодий, солиқ-бюджет, пул-кредит параметрлари, шунингдек, интеграция жараёнларининг иқтисодиётга таъсирини баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда иқтисодиёт тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш сценарийларини шакллантиришга кўмаклашиш;

хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича таклифлар киритиш;

инновацияларни жорий этиш ва ҳудудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш ҳисобига ҳудудлар иқтисодий тараққиётидаги номутаносибликларнинг олдини олиш;

в) қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли қишлоқ хўжалиги» концепциясига асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг замонавий синалган шакллари жорий этиш бўйича таклифлар киритиш; аграр секторда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорликни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга кўмаклашиш;

г) ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида:

таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга кўмаклашиш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳолининг узок умр кўриши учун кўшимча шароитлар яратишга кўмаклашиш;

«Хавфсиз шаҳар», «Ақлли шаҳар» концепцияларини жорий этишни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шаҳарсозликнинг фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш;

д) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимиغا инновацияларни жорий этиш соҳасида:

атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришга, жумладан атмосфера хавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни, сув объектларига ташланадиган оқова сувларни камайтиришга, биологик хилма-хиллик ва экотизимни сақлашга қаратилган инновацион технологик ечимлар ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш ва уларни қайта ишлаб чиқариш бўйича инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг, жумладан муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, энергия тежамкор, экологик тоза автотранспорт ёқилғисини ишлаб чиқариш технологиялари, чанг ва газдан тозаловчи технологияларнинг амалда қўлланишига кўмаклашиш;

судан фойдаланиш тизимини, шу жумладан сувни тозалаш, чучуклаштириш, оқова сувлардан қайта фойдаланиш ва сув тежашнинг инновацион технологияларини жорий этиш орқали такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, шу жумладан энергия ва биоўғитларни ишлаб чиқариш учун юқори технологияларни жорий этиш бўйича илмий асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш;

иктисодийнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

е) илғор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасида:

инновацион тадқиқотлар, ғоялар, ишланмалар ва технологияларни рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, истиқболли фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда новаторлик ғояларини, шу жумладан норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш орқали ишлаб чиқиш;

имтиёз ва преференциялар тақдим қилиш, кўргазма тадбирларини ташкил этиш, етакчи хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасалар, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш (илмий-тадқиқот ишлари қисмида), шунингдек, уларнинг моддий-техника ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва тижоратлаштириш бўйича замонавий илмий-технологик комплекслар, бизнес-инкубаторлар, стартап-акселераторларни, шу жумладан етакчи жаҳон ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, IT-инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш;

узок муддатли технологик ривожланиш эҳтиёжлари ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни, шу жумладан янги авлод транспорт воситалари, робот техникалари ва юқори технологик маҳсулотларнинг бошқа турларини маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ташаббус кўрсатиш;

маҳаллий инновацион маҳсулотларни, шу жумладан расмийлаштирилган халқаро патент ва лицензиялар асосида жорий этиш, ички ва жаҳон бозорларига йўналтириш имконини берувчи самарали механизмларни ишлаб чиқиш.

4. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлик:

Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

инновацион фаолиятни унинг самарадорлиги индикаторлари асосида баҳолайди, илғор технологияларни биринчи даражада жорий этиш талаб қилинадиган тегишли тармоқ ва соҳаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди;

инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалар томонидан амалга ошириладиган давлат илмий-техникавий дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси ҳисобланади;

юклатилган вазифалар доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишларнинг ҳолатини ўрганади, инновация фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Белгилансинки, Вазирликнинг фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлик билан мажбурий тартибда келишилиши шарт.

6. 2018 йил 1 январдан:

Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги;

Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳамда унинг Ижро этувчи дирекцияси тугатилсин.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган тугатилаётган идора ва муассасаларнинг бўшаётган штат бирликлари Вазирликка ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда тугатилаётган идора ва муассасаларнинг ходимларини иш билан таъминлашга кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Фанлар академияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини танқидий ўрганишни ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти, унинг натижаларини амалиётга жорий этиш тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича технопаркларни ташкил этиш юзасидан таклифлар киритишни;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг вазифа ва функцияларини улар фаолиятида бир-бирини такрорлашнинг олдини олиш мақсадида ташкилий-штат

тузилмалари ва ваколатларини оптималлаштириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш бўйича танқидий ўрганишни ва таклифлар киритишни;
мазкур Фармоннинг 6-бандида кўрсатилган идоралар ва муассасалар тугатилиши билан боғлиқ тадбирларни ташкиллаштириш, шунингдек, Вазирликни жойлаштириш, шу жумладан тугатилаётган идоралар ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини ўтказиш орқали унинг моддий-техника базасини ташкил этиш, ишни самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан жиҳозлашни;

тугатилаётган Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини Жамғарма ҳисобига ўтказишни;

Вазирликни юқори малакали кадрлар билан, шу жумладан тугатилаётган идоралар ва муассасаларнинг ходимлари ҳисобидан тўлдиришни;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш принциплари ва қўллаб-қувватлаш шакллари, шунингдек, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришни ҳам белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Фан тўғрисида»ги қонунлари лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш, олим ва мутахассисларнинг хорижда амалиёт ўташини ташкил этиш учун кредит ва грантларни жалб қилиш бўйича хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан тизимли ишларни олиб борсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Вазирлик ва Жамғарма фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари У.С. Исмаилов, О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 ноябрь,
ПФ-5264-сон

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5264/0339-сон)

**УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
О ВНЕСЕНИИ ИЗМЕНЕНИЙ В НЕКОТОРЫЕ АКТЫ ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (ПОСТАНОВЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОТ 24 МАЯ 2017 ГОДА № ПП-3003 «О МЕРАХ ПО
КОРЕННОМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ**

ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ КАДРОВ ДЛЯ ОТРАСЛЕЙ СЕЛЬСКОГО И ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА»)

В соответствии с **постановлением** Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года № ПП-3003 «О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки инженерно-технических кадров для отраслей сельского и водного хозяйства»:

1. Внести изменения в некоторые акты Президента Республики Узбекистан согласно **приложению**.

2. Контроль за исполнением настоящего Указа возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан А.Н. Арипова и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан — министра сельского и водного хозяйства З.Т. Мирзаева.

Президент Республики Узбекистан Ш. МИРЗИЁЕВ

г. Ташкент,
12 сентября 2017 г.,
№ УП-5190

ПРИЛОЖЕНИЕ

к **Указу** Президента Республики Узбекистан от 12 сентября 2017 года № УП-5190

Изменения, вносимые в некоторые акты Президента Республики Узбекистан

1. В **приложении № 1** к Указу Президента Республики Узбекистан от 12 июня 2015 года № УП-4732 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений»:

а) позицию 4 изложить в следующей редакции:

« 4.	Ташкентский государственный аграрный университет	Агрономия Агрохимия и агропочвоведение Защита растений и карантин Селекция и семеноводство сельскохозяйственных культур Технология хранения и первичной обработки сельскохозяйственной продукции Технология возделывания лекарственных растений Зоотехния Шелководство Лесное дело и озеленение населенных пунктов Плодоовощеводство и виноградарство Ветеринария Менеджмент в сельском хозяйстве	»;
------	--	--	----

б) позицию 14 изложить в следующей редакции:

« 14.	Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства	Использование водной энергии ирригационных систем Водное хозяйство и мелиорация Механизация водохозяйственных и мелиоративных работ Эксплуатация гидротехнических сооружений и насосных станций Использование гидротехнических сооружений и насосных станций Землеустройство и земельный кадастр Механизация сельского хозяйства Электрификация и автоматизация сельского хозяйства	».
-------	--	--	----

2. В **приложении № 2** к постановлению Президента Республики Узбекистан от 28 мая 2012 года № ПП-1761 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки и укомплектования квалифицированными педагогическими кадрами средних специальных, профессиональных образовательных учреждений»:

а) позицию 28 изложить в следующей редакции:

« 28.	Ташкентский государственный аграрный университет	Фермерское хозяйство, агрономия	Ташкентская и Сырдарьинская области	»;
-------	--	---------------------------------	-------------------------------------	----

б) позицию 34 изложить в следующей редакции:

« 34.	Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства	Гидромелиорация, кадастр и устройство земледелия	Республика Каракалпакстан, области и г. Ташкент	».
		Механизация сельского хозяйства, электрификация и автоматизация сельского хозяйства	Республика Каракалпакстан, Бухарская, Джизакская, Кашкадарьинская, Навоийская, Самаркандская, Сурхандарьинская, Сырдарьинская, Ташкентская, Хорезмская области	

3. В наименованиях приложений № 32, 32а, 32б, 32г, 47, 47а, 47б, 47в и 47г к **постановлению** Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» слова «Ташкентского института ирригации и мелиорации» заменить словами «Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

4. В **постановлении** Президента Республики Узбекистан от 4 мая 2017 года № ПП-2954 «О мерах по упорядочению контроля и учета рационального использования запасов подземных вод на 2017 — 2021 годы»:

а) в **пункте 9**:

в **абзаце втором** слова «Ташкентском институте ирригации и мелиорации» заменить словами «Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»;

в **абзаце четвертом** слова «Ташкентский институт ирригации и мелиорации» заменить словами «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»;

б) в графе «Механизм реализации» позиции 12 **приложения № 1** слова «Ташкентском институте ирригации и мелиорации» и «Ташкентский институт ирригации и мелиорации» заменить словами соответственно «Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» и «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

5. В **постановлении** Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2017 года № ПП-2955 «О приеме в высшие образовательные учреждения Республики Узбекистан в 2017/2018 учебном году»:

а) в **приложении № 1**:

позиции 51 и 52 изложить в следующей редакции:

« 51	Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства	2 255	685	1 570
	г. Ташкент:	1 805	580	1 225
5111000	Профессиональное образование (по направлениям)	80	35	45
5141100	Гидрология (по отраслям)	25	10	15
5230100	Экономика (по отраслям и сферам)	20	5	15

5230200	Менеджмент (по отраслям и сферам)	20	5	15
5230900	Бухгалтерский учет и аудит (по отраслям)	20	5	15
5310200	Электроэнергетика (по отраслям и направлениям)	60	20	40
5311000	Автоматизация и управление технологических процессов и производств (по отраслям)	100	30	70
5311500	Геодезия, картография и кадастр (по отраслям)	100	40	60
5340700	Гидротехническое строительство (по видам)	60	20	40
5410700	Землеустройство и земельный кадастр	150	50	100
5430100	Механизация сельского хозяйства	200	50	150
5430200	Электрификация и автоматизация сельского хозяйства	75	25	50
5450100	Использование водной энергии ирригационных систем	60	25	35
5450200	Водное хозяйство и мелиорация	370	110	260
5450300	Механизация водохозяйственных и мелиоративных работ	225	70	155
5450400	Эксплуатация гидротехнических сооружений и насосных станций	125	45	80
5630100	Экология и охрана окружающей среды (по отраслям и сферам)	50	15	35
5640100	Безопасность жизнедеятельности	25	10	15
б/н	Мелиоративная гидрогеология	40	10	30
	Бухарский филиал:	450	105	345
5111000	Профессиональное образование (по направлениям)	40	10	30
5310200	Электроэнергетика (по отраслям и направлениям)	40	10	30
5311000	Автоматизация и управление технологических процессов и производств (по отраслям)	25	5	20
5340700	Гидротехническое строительство (по видам)	25	5	20
5410700	Землеустройство и земельный кадастр	60	15	45
5450100	Использование водной энергии ирригационных систем	40	10	30
5450200	Водное хозяйство и мелиорация	80	20	60
5450300	Механизация водохозяйственных и мелиоративных работ	70	15	55
5450400	Эксплуатация гидротехнических сооружений и насосных станций	70	15	55
52	Ташкентский государственный аграрный университет	2 425	655	1 770
	г.Ташкент:	1 495	395	1 100
5111000	Профессиональное образование (по направлениям)	40	15	25
5230100	Экономика (по отраслям и сферам)	20	5	15
5230400	Маркетинг (по отраслям и сферам)	20	5	15
5230900	Бухгалтерский учет и аудит (по отраслям)	20	5	15
5410100	Агрохимия и агропочвоведение	80	20	60
5410200	Агрономия (по видам продукции земледелия)	170	30	140
5410300	Защита растений и карантин	90	20	70

5410400	Селекция и семеноводство сельскохозяйственных культур	60	15	45
5410500	Технология хранения и первичной обработки сельскохозяйственной продукции	100	30	70
5410600	Зоотехния (по видам)	100	40	60
5410600	Зоотехния (рыбоводство)	25	10	15
5410800	Лесоводство и лесная мелиорация	120	30	90
5410900	Шелководство	100	40	60
5411000	Плодоовощеводство и виноградарство	100	20	80
5411100	Технология возделывания и переработки лекарственных растений	50	10	40
5411200	Декоративное садоводство и озеленение	50	10	40
5420100	Менеджмент в сельском хозяйстве	300	70	230
5440100	Ветеринария	50	20	30
	Нукусский филиал:	630	190	440
5230900	Бухгалтерский учет и аудит (по отраслям)	20		20
5410100	Агрохимия и агропочвоведение	40	15	25
5410200	Агронимия (по видам продукции земледелия)	50	10	40
5410300	Защита растений и карантин	50	15	35
5410400	Селекция и семеноводство сельскохозяйственных культур	30	10	20
5410500	Технология хранения и первичной обработки сельскохозяйственной продукции	60	20	40
5410600	Зоотехния (по видам)	20	10	10
5410600	Зоотехния (рыбоводство)	25	10	15
5410700	Землеустройство и земельный кадастр	30	10	20
5410800	Лесоводство и лесная мелиорация	20	10	10
5410900	Шелководство	30	10	20
5411000	Плодоовощеводство и виноградарство	40	10	30
5411100	Технология возделывания и переработки лекарственных растений	50	5	45
5420100	Менеджмент в сельском хозяйстве	40	15	25
5430100	Механизация сельского хозяйства	50	15	35
5440100	Ветеринария	25	10	15
5450200	Водное хозяйство и мелиорация	50	15	35
	Термезский филиал:	300	70	230
5410500	Технология хранения и первичной обработки сельскохозяйственной продукции	50	10	40
5411100	Технология возделывания и переработки лекарственных растений	40	10	30
5411000	Плодоовощеводство и виноградарство	50	10	40
5420100	Менеджмент в сельском хозяйстве	40	10	30
5430100	Механизация сельского хозяйства	20	5	15
5410600	Зоотехния (по видам)	20	5	15
5410300	Защита растений и карантин	20	5	15
5410200	Агронимия (по видам продукции земледелия)	40	10	30
5410100	Агрохимия и агропочвоведение	20	5	15

б) в [приложении № 2](#):

позиции 51 и 52 изложить в следующей редакции:

«	51	Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства	100	44	55
	5A310201	Электроснабжение (по отраслям)	3	1	2
	5A311001	Автоматизация технологических процессов и производств(по отраслям)	4	2	2
	5A311502	Геодезия и картография (по функциям)	9	4	5
	5A340701	Гидротехнические сооружения (по типу сооружений)	4	2	2
	5A410701	Управление и использование земельных ресурсов	11	5	6
	5A430101	Механизация сельского хозяйства (по отраслям)	13	6	7
	5A430102	Проектирование и конструирование сельскохозяйственной техники	2	1	1
	5A430201	Электротехнические установки и электрическое обеспечение АПК	6	3	3
	5A450201	Гидромелиорация	7	3	4
	5A450202	Мелиорация и орошаемое земледелие	6	3	3
	5A450203	Водный кадастр и рациональное использование водных ресурсов	4	2	2
	5A450205	Эксплуатация гидромелиоративных систем	5	2	3
	5A450301	Механизация гидромелиоративных работ	9	4	5
	5A450401	Эксплуатация, надежность и безопасность гидротехнических сооружений	4	2	2
	5A450402	Эксплуатация, диагностика насосных станций и оборудования	5	2	3
	5A630101	Охрана окружающей среды (по отраслям и сферам)	8	2	6
	52	Ташкентский государственный аграрный университет	125	51	74
	5A410101	Агропочвоведение и агрофизика (по сферам)	5	2	3
	5A410102	Агрохимия	5	2	3
	5A410201	Агрономия	10	5	5
	5A410202	Растениеводство (по группам культур)	5	2	3
	5A410301	Защита растений (по способам)	10	5	5
	5A410302	Энтомология	5	2	3
	5A410303	Фитопатология	4	2	2
	5A410401	Селекция и семеноводство (по группам культур)	6	3	3
	5A410501	Технология хранения и первичной обработки сельскохозяйственной продукции (по видам продукции)	7	2	5
	5A410601	Птицеводство	4	2	2
	5A410603	Разведение, селекция и воспроизводство сельскохозяйственных животных (по видам животных)	10	4	6
	5A410801	Лесоводство	8	3	5
	5A410901	Шелководство	6	2	4
	5A411001	Овощеводство и бахчеводство	5	2	3

5A411002	Плодоводство	6	3	3
5A411003	Виноградарство и первичная переработка винограда	5	2	3
5A411004	Картофелеводство	5	2	3
5A411005	Биотехнология в плодовоовощеводстве	5	2	3
5A411101	Технология возделывания лекарственных растений	6	3	3
5A420101	Менеджмент в сельском хозяйстве	8	1	7

6. В позиции 27 приложения № 2 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 16 июня 2017 года № ПП-3067 «О мерах по дальнейшему совершенствованию процедур реализации объектов государственной собственности» слова «Ташкентского института ирригации и мелиорации» заменить словами «Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

(Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 37, ст. 981)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ
ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 сентябрь жума кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2017 йил 1 сентябрь мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

 *LexUZ шарҳи*

Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 25 августдаги 168 (6862)-сонидан эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 24 август,
ПҚ-3241-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА» 2017 ЙИЛ 5 ИЮЛДАГИ
ПФ-5106-СОН ФАРМОНИ)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон **Фармони**га мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь,
712-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 712-сон **қарорига**
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 452-сон қарори **2-иловасининг** 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисида» 2002 йил 26 октябрдаги 333-сон қарорининг 4-банди **тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарори 1-иловасининг **38-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳомийлик кенгаши таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида» 2004 йил 27 августдаги 407-сон қарори **иловасининг** йигирма иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарорининг 2-иловаси **8** ва 12-бандлари **биринчи хатбошиларидаги** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори **иловасида**:

а) 7-банднинг **3-кичик бандида**:

«Камолот» ёш оилалар учун» сўзлари «ёш оилалар учун «Ёшлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ставкасидан» сўзи «ставкасининг 50 фоизидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) **10-банддаги** «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 12-банднинг **учинчи хатбошисидаги** «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

г) **25-бандда**:

3-кичик банддаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

5-кичик банддаги «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг» ва «Камолот» сўзлари тегишли равишда «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» ва «Ёшлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарори **2-иловасининг** 6-банди «қаерга тақдим этилади» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарори **иловасининг** 11, 12, 18-бандлари «Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларнинг санъат ва маданият соҳасидаги қобилият ҳамда иқтидорини барвақт аниқлаш, ривожлантириш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 225-сон **қарорида**:

а) 3-банднинг **иккинчи хатбошисидаги** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг **8 ва 11-бандларидаги** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) **2-илованинг** саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишга ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 14 январдаги 10-сон қарори **иловасининг** 9-банди **иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 16 мартдаги 70-сон қарори **иловасининг** ўн еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» 2009 йил 29 июндаги 181-сон қарорида:

- а) 2-илованинг ўн тўртинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин: «Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;
- б) 3-илованинг ўн бешинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин: «Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги 265-сон қарори билан тасдиқланган Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисида **нижомда**:

а) 6-банднинг **еттинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банднинг **биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори **1-илувасида**:

а) 26-бандда:

«Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 27, 28, 30, 31-бандларнинг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 19 июлдаги 208-сон қарори **илувасининг** 10-банди «Бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 3 ноябрдаги 295-сон қарори **1-илувасининг** учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«О. Таджиев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари».

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарори **3-илувасининг** 6 — 19, 21 — 24-бандлари «Масъуллар» устунидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежининг васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 6 июлдаги 201-сон қарори **илувасининг 5-бандидаги** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 28 мартдаги 89-сон қарори **3-илувасининг** 8-банди **биринчи хатбошисидаги**, 10-банди **тўртинчи**

хатбошисидаги, 12 ва 13-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 июндаги 178-сон қарори 1-иловасининг 25, 26, 28-бандлари «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ziyonet» таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 июлдаги 198-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошисидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорининг 1-иловаси ўттиз биринчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорида:

а) 3-илованинг 6-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 6 ва 14-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6 — 9-илваларнинг 6 ва 14-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорида:

а) 1-илованинг 30-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари»;

б) 2-илованинг 20-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши раислари».

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамда Илмий-методик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарорининг 2-иловаси ўн учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозимига кўра — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари».

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига» сўзлари «Ёшлар иттифоқига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг ўн бешинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида:

«Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

«ставкасига» сўзи «ставкасининг 50 фоизига» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 3-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ёшлар иттифокига қуриладиган «Ёшлар» уйлариининг сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тавсия этилсин»;

г) 4-банддаги «Камолот»нинг сўзи «Ёшлар»нинг сўзи билан алмаштирилсин;

д) 5-бандда:

«Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин»;

е) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 1-иловада:

номидаги «Камолот»нинг сўзи «Ёшлар»нинг сўзи билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Камолот»нинг сўзи «Ёшлар»нинг сўзи билан алмаштирилсин;

2-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Камолот»нинг сўзи «Ёшлар»нинг сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «ставкасига» сўзи «ставкасининг 50 фоизига» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эгадир:

а) турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар (қоидага кўра, давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари);

б) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида камида уч йил мобайнида фаолият олиб бораётган ижтимоий фаол ёш оилалар — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши тақдимномаси асосида;

в) фаолият юритаётган меҳнат жамоасида алоҳида намуна ва хизмат кўрсатган ёш оилаларга — давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари тавсиясига кўра Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши тақдимномаси асосида;»;

5-банднинг «б» кичик бандидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

биринчи хатбоши ва «а» кичик бандидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказётган ёлғиз ота ёки ёлғиз онанинг илгари никоҳда бўлмаганлиги ёхуд никоҳдан ажралганлиги, бева эркак (бева аёл) тўғрисида ФХДЁ органидан берилган маълумотнома»;

8-банднинг **биринчи хатбошидаги** «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Камолот» ЁИХнинг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги «Камолот ЁИХнинг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

11 — 16-бандлардаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг тавсияномаси навбатдан ташқари берилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кимтиёзли ипотека кредити олувчи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида камида уч йил мобайнида фаолият олиб бораётган ижтимоий фаол ёшлардан бўлса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг тавсияномаси навбатдан ташқари берилади.»

18 ва 19-бандлардаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

з) 1-илованинг 1-илоvasида:

номидаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

и) 1-илованинг 2-илоvasида:

номидаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

схемадаги «Камолот ЁИХ», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» ва «Камолот» сўзлари тегишли равишда «Ёшлар иттифоқи», «Ёшлар иттифоқининг» ва «Ёшлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

й) 1-илованинг 3-илоvasида:

номидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзи билан алмаштирилсин;

тегишли тижорат банкига тақдим этиш учун Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг уй-жойга муҳтожлар сифатида ҳисобга қўйилган ёш оилаларга тавсияномаси шаклидаги «Камолот»нинг», «Камолот», «Камолот» ЁИХ» ва «Камолот» Ёшлар Ижтимоий ҳаракати» сўзлари тегишли равишда «Ёшларнинг», «Ёшлар» ва «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 18 декабрдаги 348-сон қарори иловасининг 2-банди **иккинчи хатбошидаги** ва 15-банди **биринчи хатбошидаги** «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорида:

а) 1-илованинг ўн тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қ.Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;

б) 2-илованинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг худудий кенгашлари раҳбарлари»;

в) 4-илованинг 6, 8, 9 ва 11-бандлари «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарори 1-иловасининг йигирма бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

31. Вазирлар Маҳкамасининг «2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 29 августдаги 251-сон қарори 2-иловасининг 13, 20 ва 21-бандлари «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарори 1-иловасининг 16-банди иккинчи хатбошисидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳар йиллик «Савдо ва хавфсизлик» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» 2016 йил 21 июлдаги 237-сон қарорида:

а) 3-илованинг йигирма иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шуқуров Э.Х. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси»;

б) 4-илованинг «Ажратилаётган маблағлар манбалари» устунидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарори 3-иловасининг 3-бандидаги «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 14 апрелдаги 211-сон қарорининг 2-иловаси 32-банди «Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 26 апрелдаги 243-сон қарори иловасининг 8-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича Республика комиссиясини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тегишли комиссияларни ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 2 июндаги 339-сон қарорида:

а) 1-илованинг саккизинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

б) 2-илованинг 6-бандидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби

тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори 3-иловасининг 38-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарори 1-иловасининг 38 ва 39-бандлари «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИХ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 996-модда)

